2016 йил 11 январь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 7 (13.070) Баҳоси эркин нархда




## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# МАЛАКАЛИ ҲАРБИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакатимиз тинчлиги, чегараларимиз дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашнинг ишончли кафолатидир.***

Бу йил мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қўшинлар, олий ҳарбий таълим муассасалари ва бошқа ҳарбий тузилмалар мустақил Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтганига 24 йил тўлади. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди ва бунинг самарасида мутлақо янги миллий армия шакллантирилди. Қисқа муддатда ҳарбий округлар ташкил қилинди, мамлакатимиз мудофаа комплексини бошқариш механизми, жанговар тайёргарлик ва тезкор-стратегик режалаштириш тизими қайта кўриб чиқилди. Бу жараёнда ҳарбий қисм ва бўлинмаларни замонавий билим ва ҳарбий иш кўникмаларини пухта ўзлаштирган юқори малакали офицер ва сержантлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий миллий армиямиз учун етук офицер кадрлар мамлакатимиз олий ҳарбий таълим муассасаларида тайёрланмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ҳам шулар жумласидандир. Бу ерда ҳарбий таълимнинг радиокоммуникация ва телекоммуникация тизимлари, ахборот технологиялари ва хавфсизлик, ҳаво ҳужумидан мудофаа зенит-ракета қўшинлари ва бошқа йўналишлар бўйича офицерлар тайёрланмоқда.

Махсус факультетнинг ўқув аудиториялари ва полигонларида курсантлар ўз Ватанини кўз қорачиғидек асраш ва ҳимоя қилиш учун профессионал билимини бойитиб, малакасини такомиллаштирмоқда, иродасини чиниқтирмоқда.

Машғулотлар ҳар куни эрталаб соат олтида бошланади. Курсантлар эрталабки бадантарбия билан шуғулланиш учун спорт мажмуасига йўл олади. Мажмуада бўлажак Ватан ҳимоячиларининг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш учун замонавий тренажёрлар, футбол майдони, баскетбол зали ва бошқа барча зарур спорт инвентарлари мавжуд.

– Жисмоний тайёргарлик ҳарбий хизматчилар жанговарлиги тизимида муҳим ўрин тутади, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетининг жисмоний тайёргарлик ўқитувчиси Искандарбек Ҳамроев. – Ҳар куни эрталабки бадантарбиядан ташқари, ҳафтада икки марта футбол, баскетбол бўйича оммавий спорт тадбирлари, ҳарбий эстафеталар ўтказилади. Бу курсантларнинг биргаликда ҳаракат қилиш кўникмасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўқув машғулотлари эрталаб соат саккизда бошланади. Аудиторияда курсантлар талабалардан фақат ҳарбий либоси билан ажралиб туради.

– Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида мамлакатимиз Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари орасида биринчи бўлиб, 2015 йилнинг сентябридан курсантлар билимини баҳолашнинг модул-рейтинг тизими жорий қилинди, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети бошлиғи ўринбосари Шуҳрат Юсупов. – Билимни бундай баҳолаш курсантларни ўз устида мунтазам ишлашга ундайди. Негаки, энди улар имтиҳон топшириш учун маълум миқдорда балл тўплаши зарур.

Махсус факультетда ўқув жараёнини изчил такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилиб, инновацион услублар ва ахборот технологияларидан фойдаланиладиган янги ўқув усуллари жорий этилмоқда, ҳарбий ўқув техникалари янгиланмоқда. Зеро, қўшинларни тезкор бошқариш ва уларнинг жанговар салоҳиятидан унумли фойдаланиш, мамлакат мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлаш бу ерда тайёрланаётган ҳарбий алоқачилар маҳоратига боғлиқ.

– Лаборатория дарсларида курсантлар кенг турдаги ҳарбий телекоммуникация техникаларини – анъанавий телеграф аппарати, ноутбукка уланадиган тўртинчи авлод портатив радиостанциядан фойдаланишни ўрганмоқда, – дейди кафедра бошлиғи Маннон Эгамбердиев.

Факультетда бўлажак офицерлар учун барча шароит яратилган. Масалан, ҳаво ҳужумидан мудофаа зенит-ракета қўшинларининг ўқув полигонида зенит-ракета комплекслари, "ер-ҳаво" туридаги ракета макетлари, радиолокацион станциялар ва бошқа кўплаб техникаларни кўриш мумкин.

– Ҳарбий техникага болалигимдан қизиқаман, – дейди курсант Азизбек Абирқулов. – Бу ерда турли янги техникалар билан танишиб, уларни бошқаришни ўрганмоқдаман.

Таълим муассасасида курсантлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун "Радиоэлектроника", "Радиоҳаваскор", "Ёш дастурчилар", "Авиомоделчилар", "Ўқчи", "Телестудия" каби кўплаб тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Бундан ташқари, маданият марказида улар учун байрам тадбирлари, қувноқлар ва зукколар танловлари, театр томошалари ташкил этилмоқда.

Ҳар қандай, ҳатто энг замонавий армия ҳам, аввало, шахсий таркиби, оддий аскар ва генералларининг ақлидроки, мустаҳкам иродаси ва Ватанга бўлган муҳаббати билан қудратлидир. Ватани ва халқини ҳимоя қилишдек шарафли касбни танлаган офицерлар эса бундай армиянинг асосини ташкил этади. Шу боис, мамлакатимизда ҳарбий кадрларни тайёрлаш, ҳарбий таълим тизимини мунтазам такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ҳам бу ишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

**М.ҚАРШИБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## "COTTON OUTLOOK":

# "ЎЗБЕКИСТОНДА БОШҚАРУВНИНГ КОРПОРАТИВ ТАМОЙИЛЛАРИ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ ПАХТА САНОАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ"

***Буюк Британиядаги "Cotton Outlook" ташкилотининг веб-саҳифасида Мумбай шаҳри (Ҳиндистон)да бўлиб ўтган Пахта бўйича халқаро консультатив қўмитанинг 74-ялпи мажлисида Ўзбекистон иштирокига доир мақола эълон қилинди.***

Шуни таъкидлаш жоизки, Ливерпулда жойлашган "Cotton Outlook" дунёнинг нуфузли ихтисослаштирилган ташкилотлари қаторидан жой олган бўлиб, у 80 йил давомида жаҳон пахта бозорида рўй бераётган воқеалар ҳамда пахта индустриясидаги тамойиллар тўғрисидаги тўлақонли маълумотларни тақдим этиб келади. Ташкилот веб-саҳифасида ҳар куни етиштириладиган асосий пахта навларига таклиф этиладиган баҳоларнинг катта рўйхати эълон қилинадики, унинг асосида савдо доиралари, ҳукуматлар ҳамда Савдо ва ривожланиш масалалари бўйича БМТ конференцияси ҳамда Пахта бўйича халқаро консультатив қўмитаси сингари ташкилотлар томонидан тан олинган индекслар ҳисоблаб чиқилади.

Мазкур мақолада "Cotton Outlook" яқинда мамлакатимизда пахта хом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш, пахта толасини ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш, пахта ёғини тайёрлаш ва ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш фаолиятини ўзида мужассамлаштирган ягона "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси ташкил этилганини ўқувчиларга билдирган. Шунингдек, бошқарувнинг корпоратив методларига таянган ҳолда иш юритадиган мазкур янги компаниянинг асосий мақсад-вазифалари пахта маҳсулоти сифатини юксалтириш, пахта ва чигитга илк ишлов бериш технологияларини такомиллаштириш ҳамда тармоқ иқтисодий самарадорлигини кучайтиришдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланган.

Мақолада қайд этилганидек, Ўзбекистон делегациясининг ушбу форумдаги иштироки доирасида мамлакат пахта саноатида амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар, ҳаётга тадбиқ этилаётган ислоҳотлар натижалари Ўзбекистон пахта толасининг жаҳон бозоридаги ўрни ва рақобатдошлиги ортишида яққол намоён бўлаётгани, тола ишлаб чиқаришнинг барқарор суръатлари кузатилаётгани баробарида уни мамлакат тўқимачилик корхоналарида қайта ишлашнинг ҳажми ҳам ортиб бораётгани тўғрисидаги батафсил маълумотлар тақдим қилинди.

Эътироф этилганидек, ислоҳотлар пахта тармоғи иқтисодий самарадорлигининг юксалиши, фермер хўжаликлари реал даромадларининг ўсиши, шунингдек, пахта ва ёғни қайта ишловчи корхоналар фаолиятининг кенгайиши имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ҳар йили Тошкентда ўтказиладиган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг ташкил этилишига "Cotton Outlook" кўп йиллардан буён ўз ҳиссасини қўшиб келади.

2015 йилнинг октябрида Тошкентда бўлиб ўтган XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида қатнашган "Cotton Outlook"нинг бошқарувчи директори Рэй Батлер Ўзбекистон жаҳон бозорига пахта толаси етказиб берадиган етакчи мамлакатлардан бири эканлигини таъкидлади. "Самарали сармоявий сиёсат олиб борилаётгани туфайли пахтани қайта ишлаш коэффициенти замонавий босқичда 40 фоиздан ошди. Бу беш йил олдинги кўрсаткичдан икки баробар кўпдир", деди у.

**"Жаҳон" АА,**
Лондон

## 2016 йил — Соғлом она ва бола йили

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ЭНГ КАТТА БАХТ

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган "Соғлом она – соғлом бола" тамойили оилада соғлом фарзандни дунёга келтириш ва камолга етказиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришда ўз самараларини бераётир.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва хорижий мамлакатлардаги етакчи клиникалар билан ҳамкорликда бу йўналишда кўплаб тиббий-ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Бу жараёнда бемор ва ногирон болаларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Юрагида туғма нуқсон билан хасталанган болаларни соғломлаштиришга йўналтирилган тадбирлар бунга мисол. Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бу йўналишда болаларга жаҳон тиббиётининг илғор услублари бўйича тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш, болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида фонд Ҳиндистондаги "Артемис" кардиожарроҳлик маркази билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ушбу ҳамкорлик доирасида 2015 йилнинг ноябрь ойида мазкур клиниканинг етакчи мутахассислари юртимизда бўлиб, қирқдан зиёд бемор болани чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди. Улардан беш нафари Ҳиндистонда даволаниб қайтди.

– Ўғлимнинг юрак хасталиги билан туғилганидан қаттиқ қайғуда эдик, – дейди ЎзА мухбирига Жиззах туманида яшовчи Умида Тўйчиева. – У улғайгани сайин кўпроқ ҳаракат қилса толиқиб қоларди. Ҳозир фарзандимнинг саломатлиги жуда яхши. Биз уни соғ-саломат кўрганимиздан ўзимизда йўқ севиндик. Оилаларга шундай улкан қувончни туҳфа этаётган давлатимиздан беҳад миннатдормиз.

**Б.ХИДИРОВА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Навоий давлат педагогика институтида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси" мавзусида видеоконференция ўтказилди. Видеомулоқотда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, жамоатчилик вакиллари ва Тошкент вилоятидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган навоийлик, Навоий вилоятида шарафли бурчини адо этаётган пойтахт вилоятилик аскарлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди.**

**● Нукус шаҳридаги "Қизкеткен" посёлкаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда ўтказилган "Ватанни мардлар қўриқлайди" деб номланган байрам тадбирида Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти Нукус филиали профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.**

**● Сурхондарё вилоятида 2015 йилда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 975 янги уй эгаларига топширилди. "Қишлоққурилишинвест" инжиниринг компанияси Сурхондарё вилояти филиалидан олинган маълумотларга кўра, 2015 йилда 14 массивдаги 975 янги уйни тез ва сифатли қуриш учун юздан ортиқ қурилиш ташкилоти танлаб олинган. Уларда уч мингдан зиёд қурувчи меҳнат қилган.**

**● Қарши шаҳридаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 1 минг 594 нафар спортчи қизга Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Президентимиз совғаси – спорт кийимлари топширилди. Қарши олимпия захиралари коллежида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни спортга кенг жалб этишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.**

### ЖАҲОНДА

**● АҚШ билан Куба ўртасида 1961 йилдан буён узилган дипломатик муносабатлар аста-секин изга тушмоқда. Айтиш керакки, ҳар иккала мамлакат ўртасида ўзаро муносабатларнинг тикланиши юзасидан 2014 йил 17 декабрда АҚШ Президенти Барак Обама ахборот берган эди. Шундан сўнг ўтган йил давомида Гавана ва Вашингтон шаҳарларида дипломатик ваколатхоналар иш бошлади, тўғридан-тўғри почта алоқаси тикланди. Куни кеча эса икки мамлакат ўртасида тижорат авиапарвозларини йўлга қўйиш юзасидан келишувга эришилди.**

**● Мексиканинг Веракруз штатида ҳаваскор футболчилар ва ишқибозларни элтиб бораётган автобуснинг дарёга қулаши натижасида ҳалок бўлганлар сони 20 кишига етди. Тахминларга кўра, мазкур йўл-транспорт ҳодисаси тормознинг носозлиги туфайли рўй берган.**

**● Кучли совуқ ҳукм сураётганлиги боис трансканада магистрали бўйича автомобилларнинг ҳаракатланиши тўхтатилди. Ҳозирча Онтарио музофотидаги автомобиль кўприги бўйича ҳаракатнинг қачон тикланиши маълум эмас. Полиция маҳкамасининг маълумотларига кўра, ушбу жараённинг тикланишига бир неча кун кетиши мумкин.**

# МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ҚОИДАЛАР АСОСИДА

**2016 йил 1 мартдан мамлакатимизда янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” кучга киради.**



***Ҳозирги кунда бутун дунёда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб муаммолардан бирига айланган. Чунки, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида мамлакатлар иқтисодиётига жуда катта зарар етмоқда. Бундай ҳодисалар маънавий жиҳатдан ҳам инсонларга ўнглаб бўлмас даражадаги зарарни юзма-юз қилмоқда. Автомобиль ғилдираклари остида кўз юмаётган бегуноҳ инсонлар орасида кимнингдир отаси, кимнингдир онаси, баъзиларнинг жондан азиз фарзандлари борлигини тасаввур қиладиган бўлсак бу ҳодисаларнинг аянчли кўриниши яққол намоён бўлади.***

**Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида келиб чиқаётган моддий зарарлар, маънавий йўқотишлар ва бу ҳодисаларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига солаётган хавфини ҳеч ким инкор эта олмайди.**

**Олдимизда ана шундай муаммо турган экан унинг ечимини топиш устида ҳамма бирдек иш олиб бормоғи лозим. 2015 йилнинг 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 370-сонли қарор имзоланди. Мазкур қарорга асосан мамлакатимизда 2016 йилнинг 1 мартдан бошлаб бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” амалга киритилади.**

**Биз янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси бошлиғи Холматжон Аҳмедович САЙДАЛИЕВга бир нечта саволлар билан мурожаат қилдик.**

***— Холматжон Аҳмедович, қоидаларни янгилашдан кўзланган асосий сабаб нимада?***

— Шуни таъкидлаш лозимки мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига доимий равишда алоҳида эътибор билан қараб келинмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар йўл транспорт ҳодисаларининг йилдан йилга камайиб боришига муносиб улуш қўшмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида соҳага тааллуқли Қонунлар, ҳукумат қарорларининг янгиланиши, уларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда доимий янгиланиб, қўшимчалар билан тўлдириб борилиши ҳам муаммо ечимига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бунга мисол қилиб 1999 йилда “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлигини, 2013 йилда у қайта ишланиб, маҳаллий шарт-шароитларни ҳамда ҳаракат иштирокчиларининг таклиф ва истакларини инобатга олган ҳолда қайта қабул қилинишини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг йўл ҳаракати соҳасидаги бандларига 12 маротаба қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Бугунги кунда юқорида таъкидланганидек, йўл-транспорт ҳодисалари, уларда жароҳатланган ва ҳалок бўлганлар сонининг камайишига эришилаётганлиги ушбу саъй-ҳаракатларнинг ижобий маҳсулидир.

Албатта, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ишларининг самарадорлигини оширишда “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли қоидалар доимий ва узлуксиз, маҳаллий шарт-шароит, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида орттирилган тажрибалар асосида такомиллаштириб борилмоқда.

Сўнгги йилларда амалда бўлган “Йўл ҳаракати қоидалар”га маҳаллий шарт-шароитлар, жорий этилаётган янгиликлардан келиб чиққан ҳолда бир неча бор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган.

2015 йилнинг Янги қабул қилинган йўл ҳаракати қоидалари ҳам худди шу мақсадларни кўзда тутиб тайёрланган. Унинг лойиҳаси барча мутасадди вазирлик идора ва ташкилотларнинг тажрибали масъул мутахассислари томонидан тайёрланиб ўрганиб чиқилган.

***—“Йўл ҳаракати қоидалари”га киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.***

— Янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”га 15 та қўшимча киритилди. Бундан ташқари бир қанча ўзгаришлар амалга оширилди. Айрим атамалар ҳамда тушунчаларга аниқликлар киритилди. Шуларнинг айримларига бир оз тўхталиб ўтамиз, шунда уларнинг моҳияти янада аниқлашади.

Аввалги ва қабул қилинган Йўл ҳаркати қоидаларида, яъни унинг матнида “автопоезд” деган сўз кўп эслатиб ўтилган ва унинг таниқлик белгиси ҳам бор. Шу сабабли ЙҲҚларини умумий қисмига “автопоезд” атамаси киритилиб унинг тушунчаси ёритиб берилди. Унга тортувчи автомобиль ва ярим тиркама ёки автомобиль прицепининг қўшилган таркиби кириши белгилаб қўйилди. Мамлакатимиз ҳудудида ҳам шундай “автопоезд”лар ҳаракатланишини инобатга олган ҳолда бу атама киритилди.

Биласиз, Ўзбекистон Республикасида ҳозир амалда бўлган “Йўл ҳаракати қоидалари”да “мотоцикл” атамасига “кажавали ёки кажавасиз икки ғилдиракли механик транспорт воситаси. Юкланадиган ҳолатдаги вазни 400 килограммдан ошмайдиган уч ғилдиракли механик транспорт воситалари ҳам мотоциклларга тенглаштирилади” деб изоҳ берилган эди. Бу изоҳ ҳозирги кун талабига тўлиқ жавоб бера олмай қолди. Чунки, ҳозирги кунда техника тараққиёти натижасида автомобиль йўлларимизда “мотоцикл” атамаси билан айтилмайдиган, аммо айнан шу туркумга мансуб бўлган икки, уч ва тўрт ғилдиракли механик воситалар яъни, замонавий квадроцикллар, скутер ва электроскутерлар кўпайиб бормоқда. Ўз-ўзидан равшанки улар томонидан ҳам “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг бузилиш ҳолатлари учраб турибди. Сўзсиз бундай ҳолатларни тартибга келтириш учун, қоидага тегишли ўзгартириш киритиш зарурати яққол кўриниб қолди.

Шу сабабли, “Мотоцикл” тушунчаси кенгайтирилиб, двигатель иш ҳажми 50 сантиметр $^3$ дан юқори, тезлиги 50 километр соатдан ортиқ скутер, электроскутер ва квадроцикллар шу атамага киритилди. Эндиликда санаб ўтилган транспорт воситалари мотоцикл сифатида рўйхатга олинади ва уларга давлат рақам белгилари берилади. Бундай турдаги транспорт воситасини бошқарадиган ҳайдовчилар “А” тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишлари шарт бўлади.

***— Демак, ҳозирги кунгача бундай транспорт воситаларини давлат рақам белгисисиз ва ҳайдовчилик гувоҳномасисиз ҳам бошқариш мумкин бўлган, шундайми?***

— Ҳа, бу каби ҳолатларга мутлақо чек қўйилди. Агар бундай қоидабузарлик қайд этиладиган бўлса, ҳайдовчиларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг тегишли моддаларига асосан чора кўрилади. Яъни, фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситалари бошқарилса Кодекснинг 125-моддасининг 5 қисмига асосан жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида жарима солинади. Агар ҳайдовчилик гувоҳномасисиз транспорт воситаси бошқарилса Кодекснинг 135-моддасининг 2 қисмига асосан жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробари миқдорида жарима жазоси қўлланади.

Юқорида айтиб ўтганимдек аввалги “Йўл ҳаракати қоидалари”да баъзи бир иборалар ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган эди. Ана шундайлардан бири бу “Йўл марзаси” яъни йўл ёқаси иборасидир. Бу ибора “Йўл ҳаракати қоидалар”ида кўп учрайди. Аммо у қоидаларнинг атамалар бобида кўрсатилмаган. Шу сабабли уни ҳар бир ўқиган одам ўзича тушунар эди. Янги қоидада бу камчилик бартараф этилди. “Йўл марзаси” бу ҳаракатланиш бўлаги билан бир сатҳда жойлашган бўлиб, ундан 1.1 чизиғи билан ажратилган ёки бошқа қоплама ётқизилган, транспорт ҳаракати, тўхташи, тўхтаб туриши учун мўжалланган йўл элементи деб белгилаб қўйилди.

Маълумки, транспорт воситаларида ташилаётган йўловчилар, айниқса, болалар хавфсизлигини таъминлаш ниҳоятда масъулиятли масала. Шу сабабдан “Йўл ҳаракати қоидалари”га “Болалар гуруҳини ташкилий ташиш” атамаси киритилди. Унга кўра 8 ва ундан ортиқ болаларни автобусда ташиш болаларни ташкилий ташиш эканлиги белгилаб берилди. Ўйлаймизки, ушбу тушунчанинг киритилиши болаларни ташиш ишларини ташкиллаштираётган мактаб ва мактабгача таълим муассасалар, коллежлар, меҳрибонлик уйлари раҳбарлари олдига, шу жумладан ходимларимиз зиммасига катта масъулият юклайди.

“Йўл ҳаракати қоидалари”ни эътибор билан ўқиганлар билишадики унда “ҳақиқий вазн” сўзи кўп учрайди. Бу сўз асосан транспортга оид меъёрлар ва давлат стандартларидан олинган. Шу боис Қоидаларга транспорт воситасини ҳақиқий вазнини белгилаш учун “Ҳақиқий вазн” атамаси киритилди. Демак, “ҳақиқий вазн” деганда биз транспорт воситасининг юки, ҳайдовчиси ва йўловчиси билан биргаликдаги ҳақиқий вазнини тушунамиз. Бу йўлларнинг оғирлик кўтариш имкониятига қараб транспорт воситаларининг йўналишларини белгилашда муҳимдир.

Соҳага ахборот коммуникацион технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор билан қараб келинаяпти. Кўпчиликка маълумки, кейинги 5 йилликда ДЙҲХХ йўл патруль хизмати фаолиятида йўл ҳаракати доирасидаги ҳуқуқбузарликларни автоматик тарзда аниқлаш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Шу сабабли “фото ва видеофиксация” ибораси йўл ҳаракати қоидасида ўз аксини топиб, маъмурий ҳужжатларда ҳам қайд этилмоқда.

Бундан ташқари ҳайдовчиларни огоҳлантириш учун “Фото ва видеофиксация” ахборот-ишора белгиси ҳам жорий этилди. Бу киритилган янгиликнинг долзарблиги Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини компьютерлаштирилган бошқарув тизимини ишга тушиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Ҳозир бу янгилик он-лайн тизимида фаолият юритаяпти. Биз ҳаракат иштирокчиларини жазолаш йўли билан эмас, балки уларни огоҳлантириш, қоидаларга амал қилишга чақириш йўли билан қоидабузарликларга қарши курашамиз.

***— Янги қоидаларда ҳайдовчиларга ҳам бир қатор мажбуриятлар юклатилибди, улар нималардан иборат?***

—Тўғри, янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”да ҳайдовчиларга бир қатор муҳим мажбуриятлар ҳам юклатилди. Эндиликда ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин йўловчиларни ҳаракат вақтида танани автомобиль салонидан ташқарига чиқариш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириши шарт. Худди шу талаб қоиданинг йўловчиларга тегишли 24 бандига ҳам қўшимча қилинди. Биласиз, сўнгги вақтларда, айниқса, тўй тантаналарида танасини ташқарига чиқариб видео тасвирга олаётганлар тез-тез учраб турарди. Бу эса ҳаракатланиш хавфсизлигига жиддий рахна солади. Бундан ташқари ҳайдовчи йўловчиларга хавфсизлик камарини тақиб олиш кераклигини айтиши шарт.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида яна бир янгилик жорий этилди. Маълумки, куннинг қоронғу вақтларида, айниқса, ёритилмаган жойларда транспорт воситаси бирор-бир сабаб билан, масалан носозлик туфайли тўхтаб қолиши мумкин. Шундай вақтда ҳайдовчи машинасини таъмирлаш учун ташқарига чиқади. Мана шу вақтда хавфли ҳолат юзага келади. Йўлдан ўтаётган транспорт воситалари таъмирлаш ишлари билан банд бўлган ҳайдовчини кўрмай қолиши мумкин. Бу ҳолат қоронғу ва ёғингарчиликлар бўлаётган вақтларда жуда ҳам хавфли. Айнан шундай ҳолатларда йўл-транспорт ҳодисасига учраб жароҳат олганлар ҳақида кундалик маълумотларимизда қайд этилган. Мана шуларни эътиборга олган ҳолда янги қоидаларда тунгги вақтларда ҳайдовчиларга нур қайтарувчи махсус нимчаларни кийиб олиш мажбурияти юклатилди. Эндиликда ҳар бир транспорт воситасида тиббиёт қутичаси, ўт ўчиргич, мажбурий тўхтаганни билдирувчи белги билан биргаликда нур қайтарувчи махсус нимчалар ҳам бўлиши шарт. Бу ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун бу янгиликка барча ҳаракат иштирокчилари алоҳида эътибор билан қарашларини истардик. Кимнингдир назарида эътиборсиздек бўлиб туюлган бу кичик нарса катта фалокатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги вақтларда кўпчиликни ташвишлантираётган, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётган, умуман ҳаракатланиш хавфсизлигига жиддий раҳна солаётган бир муаммо ҳам бор эди. Бу ерда гап йўлда ҳаракатланаётган пиёдаларнинг уяли телефондан, планшетлардан фойдаланишлари, йўлда ҳаракатланаётган вақтда қулоқларига турли мосламаларни тақиб олиб гаплашишлари, мусиқа эшитиш ва ҳатто кино кўришлари ҳақида кетмоқда. Бу салбий ҳолат, айниқса, мактаб ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари орасида урф бўлиб бормоқда. Кундалик маълумотларимиз орасида айнан шу ҳолат сабабли транспорт ғилдираклари остига тушиб ҳалок бўлганлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам бор.

Шу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда тасдиқланган йўл ҳаракати қоидаларининг 19-бандида пиёдаларга йўлда юрганда, пиёдалар учун ажратилган жойлардан ўтаётганда хаёлни чалғитувчи нарсалардан, жумладан телефон, планшетлардан фойдаланиш, видео кўриш, газета, журнал ва китоб ўқиш ман этилди. Шу ўринда айрим мулоҳазаларни айтиб ўтиш ўринли бўларди. Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан қабул қилинаётгани йўқ. Улар кўп йиллик изланишлар, тадқиқотлар, таҳлиллар, ҳаракат иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш натижасида амалга оширилади. Шу сабабли бу янгиликни фақат соҳа ходимлари эмас, кенг жамоатчилик, ота-оналар, мактаб ва коллеж ўқитувчилари ҳам ўрганиб, уни бошқаларга ҳам ўргатиши керак. Халқимиз, “Йўл қоидаси — умр фойдаси” деб бежизга айтмайди. Уни мукаммал ўрганилса ва қатъий амал қилинса фойда бўлади. Уйда ота-она, мактаб, коллежда ўқитувчи, йўлда ЙПХ ходими пиёдани тартибга чақириб турса, албатта ижобий натижага эришилади. Масаланинг мана шу томонларини ҳамма эътиборга олишини истардим.

Янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”да алоҳида эътибор қаратилган яна бир нарса бу тезликдир. Биласиз, транспорт воситалари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Транспортлар сонининг ортиши тирбандликларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлаяпти. Маълумки, белгиланган тезлик талаблари бузилса у оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин. Агар маълум ҳудудларда таҳлилларга асосланган ҳолда тезлик оширилса транспортларнинг ёнилғи сарфи, йўлда юришга кетадиган вақт тежалиши, атроф-муҳитнинг ифлосланишининг олди олиниши мумкин. Масаланинг мана шу томонларини ҳамда тегишли мутахассисларнинг мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда турар жой даҳаларида транспорт ҳаракатини тартибга солиб, кўп қаватли уйлар орасида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун юқори тезликни соатига 30 километр қилиб белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, худди шу банд билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига ДЙҲХХ билан келишган ҳолда, агар йўлнинг ҳолати тезликни ошириш имкониятини берса, айрим жойларда ёки айрим йўл бўлакларида, айрим транспорт воситаларига белгиланган тезликни ошириш учун рухсат бериш ваколати юклатилди.

***— Кўпгина давлатларда транспорт воситалари куннинг ёруғ вақтида ҳам яқинни кўрсатувчи чироқларини ёқиб юришади. Бу албатта, хавфсизлик нуқтаи назаридан йўлга қўйилган бўлса керак, шундаймасми?***

— Тўғри таъкидладингиз. Транспорт воситалари куннинг ёруғ вақтида ҳам чироқларини ёқиб юрса кўпчиликнинг эътиборини тортади. Янги таҳрирдаги қоидаларда ҳам шу нарса эътиборга олинди. Эндиликда ташкилий равишда одам олиб кетаётган, йўловчиларни ташиётган автобуслар, микроавтобуслар, шунингдек, мотоцикл ва мопедлар хавфсизликни таъминлаш чораларини кучайтириш учун, куннинг ёруғ пайтида ҳаракатланаётганда ҳам яқинни ёритувчи чироқларини ёқиб юришлари шарт, деб белгиланди ва тартиб қоидаларнинг 138-бандига қўшимча қилиб киритилди.

Бундан ташқари Қоидаларнинг транспорт воситалари бошқарувчиларининг ёшини белгиловчи 149-банди, ҳайдовчиларни тайёрлаш тўғрисидаги Низом талабларига мос равишда Янги таҳрирда берилди. Демак, қоидаларга асосан “А” тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганларнинг ёши ўқишни битириш вақтида 16 ёш, “В” ва “С” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганларнинг ёши ўқишни битириш вақтида 18 ёш, “Д” ва трамвай, троллейбусни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганларнинг ёши ўқишни битириш вақтида 21 ёш бўлиши керак.

Шунингдек, юқорида таъкидлаганимиздек, ЙҲҚнинг 1-иловасидаги огоҳлантирувчи белгилар банди “Фото ва видеофиксация” йўл белгиси билан тўлдирилди ҳамда 7.19 бандида ушбу белги ҳаракат иштирокчиларининг ҳолати техник воситалар орқали видео-фото тасвирга туширилиб қайд этилаётганлигини билдириши, бу белги огоҳлантирувчи, имтиёз, тақиқловчи, буюрувчи ва ахборот-ишора белгилари билан қўлланиши кўрсатиб ўтилди.

Умуман олганда янги қабул қилинган Қоидалар аввало ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизликларини таъминлашга йўналтирилган. Унинг бандларини сўзсиз бажариш эса келгусида йўлларимизда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлаб, одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини муҳофаза қилади.

**Суҳбатни Мансуржон РИХСИЕВ ёзиб олди**

*Тошкент шаҳар*
*Олмазор тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ОЛМАЗОР ТУМАНИНИНГ 2016 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 й., 52 (I)-сон) 28, 99-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда;) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги СҚ-61-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2455-сонли Қарори (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2015 й., 52-сон, 646-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2015 йил 25 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида”ги 75/9-5-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 декабрдаги 1156-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг 2015 йил 31 декабрдаги 01-3/1904-сонли хатини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1156-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Олмазор туманининг 2016 йилги маҳаллий бюджети асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг 2016 йил учун даромадлар ва харажатлари ҳамда шаҳар маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ўтказиб бериладиган даромадлар миқдори 2-иловага мувофиқ;

умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ;

туман маҳаллий бюджетининг 2016 йил учун нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олмазор тумани маҳаллий бюджетининг 2016 йил учун аниқлаштирилган асосий параметрлари қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

даромадлар – 84 331 786,0 минг сўм;

шаҳар маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ўтказиб бериладиган даромадлар миқдори – 38 842 988,0 минг сўм;

харажатлар – 123 174 774,0 минг сўм.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (А.Акрамов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Компьютерлаштириш маркази” ДУКнинг Олмазор туман тармоқ администратори (О.Аманов):

мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.olmazor.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Искандаров зиммасига юклансин.

**Олмазор тумани ҳокими**
**Б.Гаибназаров**

*2016 йил 5 январь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

## САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ

***Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан соғломлаштириш ҳафталиги ўтказилди.***

– Тиббиёт муассасамиз ўн беш маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатади, – дейди Миробод туманидаги 2-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Дилфуза Пўлатова. – Аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш мақсадида шифо масканимиз замонавий ЭКГ, УЗД аппаратлари, лаборатория ускуналари билан тўла таъминланган. Соғломлаштириш ҳафталигида аҳолининг белгиланган қатлами тиббий текширувдан ўтказилиб, касаллик аниқланганлар босқичма-босқич даволанмоқда.

Соғлом она ва бола йилида бирламчи тиббий-санитария ишларини замонавий андозалар даражасида ташкил этиш билан бирга, тиббий патронаж тадбирларини ривожлантиришга йўналтирилган ишлар кўлами ҳам кенгаймоқда. Оила шифокори ва патронаж ҳамшираларнинг ҳар бирига тегишли ҳудудлар ажратилган. Улар хонадонларда тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориб, аҳолининг саломатлиги муҳофазасига эътибор қаратмоқда.

Соғломлаштириш тадбирларини ташкил этишда тиббиёт ходимларининг маҳалла фаоллари билан ҳамкорлиги яхши натижа бераётир. Бундай ҳамкорлик туфайли она ва бола соғлиғига, репродуктив саломатликка салбий таъсир этадиган ҳолатларнинг олдини олиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини юксалтиришга эришилаётир.

Ҳафталик доирасида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, болалар касалликларининг олдини олиш, рационал овқатланиш каби мавзуларда мулоқотлар ташкил этилди.

**(ЎзА)**

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

*(Давоми. Боши ўтган сонда)*

## ПАЙШАНБА, 14

### Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.00 “Ҳаёт”. Ҳ/ф.
7.30 Миллий сериал: “Чемпионлик орзуси”.
8.00 “Ахборот”.
8.40 “Қорачиқ”.
9.00 “Иқлим”.
9.15 “Муносабат”.
10.00 Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам дастури.
12.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
13.00 Миллий сериал: “Опа-сингиллар”.
13.35 “Мўъжизалар макони”.
14.00 “Ахборот”.
14.15 “Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!”
14.35 Миллий сериал: “Фидойилар”.
15.05 “Иқлим”.
15.15 “Ойдин ҳаёт”. Ток-шоу.
16.00 “Тезкор хабарлар”.
16.10 “Кўрганларимиз ҳақида”.
16.30 “Ахборот”. /Инглиз/.
16.40 “Навоий олами”.
17.00 “Ахборот”.
17.10 “Устурлоб”.
17.30 “Суҳбатдош”.
17.45 “Монк”. Т/с.
18.30 “Кўнгил ободлиги”.
18.50 Миллий сериал: “Опа-сингиллар”.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” /рус/.
20.05 “Севги сароблари”. Т/с.
21.00 “Ахборот”.
21.40 “Бу ҳам муҳим”. Ток-шоу.
22.20 – 23.40 “Жасур”. Б/ф.
23.40 “Кўнгил ободлиги”.
00.00 Миллий сериал: “Опа-сингиллар”.
00.40 “Устурлоб”.
1.00 “Ахборот” /рус/.
1.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
2.30 “Жасур”. Б/ф.
3.50 “Шарқ тароналари”.
4.00 “Ахборот”.
4.40 Миллий сериал: “Чемпионлик орзуси”.
5.10 – 5.55 “Бу ҳам муҳим”. Ток-шоу.

### Ёшлар

6.00 “Ватан меҳри”.
6.10 “Тоҳир ва Зуҳра”. Б/ф.
7.50 “Табассум қил!”
8.00 “Вельвет галереяси”. Т/с.
8.50 “Давр мавзуси”.
9.10 “Меҳмонхона”. Т/с.
9.50 “Телетуҳфа”.
10.00 “Давр”.
10.10 “Бир муҳаббат тарихи”. Т/с.
11.00 “Имкон-шоу”.
11.50 “Мардлар байрами”.
12.00 “Умид”. Т/с.
12.50 “Олий саодат”.
13.00 “Давр”.
13.10 “Мўъжизавий дунё”.
14.00 “Мардлар байрами”.
14.10 “Иф қалъасининг маҳбуси”. Б/ф. 1-қисм.
15.30 “Мардлар мактаби”.
15.50 “Олий саодат”.
16.00 “Давр”.
16.10 “Канизак Изаура”. Т/с.
16.50 “Истиқлол қалқони”.
17.00 “Ош бўлсин!”
17.30 “Рицарь қиссаси”. Б/ф. 2-қисм.
18.50 “Мардлар байрами”.
19.00 “Давр”.
19.30 “Бир муҳаббат тарихи”. Т/с.
20.20 “Мардлар қўриқлайди Ватанни”.
21.00 “Умид”. Т/с.
21.50 “Истиқлол қалқони”.
22.00 “Давр”.
22.30 “Троя”. Б/ф. 2-қисм.
00.00 “Мўъжизавий дунё”.
2.10 “Шарқ гавҳари”.
4.00 “Эъзоз ва эҳтиром”.
4.30 “Ажабқишлоқ ҳангомалари”.
5.00 “Нуқтаи назар”.
5.30 – 6.00 “Давр”.

### Тошкент

5.55 “Ягонасан, муқаддас Ватаним!”
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 “Poytaxt”.
6.15 Миллий сериал: “Қисмат битиги”.
6.55 “Тошкент вақти”.
9.10 “Муҳаббат тантанаси”. Т.с.
9.50 “Poytaxt-sport”.
10.20 “Бахт маликаси”. Т.с.
11.15 “Саломат бўлинг!” тележурнали.
11.45 “Poytaxt-avto”.
12.15 Миллий сериал: “Қисмат битиги”.
13.15 Ватан ҳимоячилари кунига: “Эртамиз эгалари”.
13.40 “Poytaxt-reportaj”.
13.50 “Пойтахт-авто”.
14.10 “Тошкент вақти”.
15.10 “Танҳо малагим”. Т.с.
15.50 “Poytaxt-sport”.
16.15 Миллий кино: ”Ватан”.
18.15 “Ишга марҳамат!”
18.20 Ватан ҳимоячилари кунига: “Профессионал”.
18.45 “Poytaxt-intervyu”.
19.00 “Телемаркет”.
19.15 “Муҳаббат тантанаси”. Т.с. /Премьера/.
20.20 “Танҳо малагим”. Т.с. /Премьера/.
21.00 “Пойтахт йўлларида”.
21.30 “Пойтахт-эко”.
21.45 “Телемаркет”.
22.20 “Храброе сердце”. Х/ф.
1.00 “Пойтахт-эко”.
1.10 “Бахт маликаси”. Т.с.
1.45 “Poytaxt-avto”.
2.10 “Алоқа”. Б/ф.
3.45 “Пойтахт-Hi-tech”.
3.55 – 5.55 “Тошкент вақти”.

### Спорт

6.00 “Хайрли тонг!”
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 “Қувноқ стартлар”.
6.45 “Месси”. Ҳужжатли фильм.
7.00 “Sport-online”.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.15 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Япония – КХДР.
10.00 “Эътироф”.
10.10 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 С. Арабистони – Таиланд.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 “Sport-online”.
13.00 Теннис.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 “Жозиба”.
14.50 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Жанубий Корея – Ўзбекистон.
16.35 Ватан ҳимоячилар кунига: “Шижоат”.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Ватан ҳимоячилар кунига: “REKORD.UZ”.
18.00 ХАБАРЛАР.
18.25 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Иордания – Вьетнам. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.25 “Техноспорт”.
20.30 “Спорт-маркет”.
20.35 Ватан ҳимоячилар кунига: “Военное дело”.
21.00 ХАБАРЛАР.
21.25 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Австралия – БАА. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.20 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
00.05 Футбол. Осиё чемпионати. U-23.
1.50 ХАБАРЛАР.
2.15 Баскетбол.
3.20 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
4.00 Волейбол.
5.00 – 6.00 Теннис.

### Маҳалла

06.00 “Ватан мадҳи”.
06.05 Миллий сериал. “Вақт қадри”.
06.30 “Фотокўзгу”.
06.35 “Тарбиянинг олтин қоидаси”.
06.55 “Изҳор”.
07.00 Миллий кино. “Фарзандим-2”.
08.25 “TV анонс”.
08.30 “Кун нафаси”.
08.40 “Қайнона бисотидан”.
09.00 Миллий сериал. “Кўнгил кўчалари”.
09.35 “Мўъжаз Ватан”.
09.55 “Юртим манзаралари”.
10.00 “Шукрона”.
10.25 “Изҳор”.
10.30 “Тўйлар муборак”.
10.55 “Юртим манзаралари”.
11.00 “Таҳлил ва талқин”.
11.20 “Фотокўзгу”.
11.25 “Қайнона бисотидан”.
11.45 “Маҳалламиз чемпионлари”.
12.15 “Ноёб институт”.
12.35 “Табаррук анъана”.
12.55 “Кун нафаси”.
13.00 Миллий кино. “Афғон”.
14.10 “TV анонс”.
14.15 “Саодатли умр”.
14.40 “Нуроний фасл”.
15.00 Миллий сериал. “Мафтуна”.
15.30 “Изҳор”.
15.35 “Маҳалламиз болалари”.
15.55 “Кун нафаси”.
16.00 Миллий сериал. “Она дарё”.
16.35 “Ён қўшним – жон қўшним”.
16.55 “TV анонс”.
17.05 “Истеъдод”.
17.30 “Изҳор”.
17.35 “Маҳалладошлар”.
17.55 “Кун нафаси”.
18.00 “Маҳалламиз спорти”.
18.20 “Изҳор”.
18.25 “Юксалиш мезонлари”.
18.55 “TV анонс”.
19.00 Миллий сериал. “Кўнгил кўчалари”.
19.35 “Изҳор”.
19.40 “Сулола”.
20.00 “Мард Ўғлонлар”.
21.00 Миллий кино. “Буюк Амир Темур”.
23.00 “Кун нафаси”.
23.10 “Изҳор”.
23.15 “Етти хазина”.
23.55 “Юртим манзаралари”.
00.00 “Ватан мадҳи”.
00.05 Миллий сериал. “Вақт қадри”.
00.30 “Менинг маҳаллам”.
01.00 Миллий кино. “Афғон”.
02.10 “Қадр топган қадриятлар”.
02.35 “Чироғи ёниқ уй”.
03.00 Миллий сериал. “Мафтуна”.
03.30 “Муқаддас қадамжолар”.
03.35 “Эҳтиёж формуласи”.
03.55 “Изҳор”.
04.00 Миллий сериал. “Она дарё”.
04.35 “Мўъжаз Ватан”.
04.55 “Изҳор”.
05.00 “Халқ виждони”. Ток-шоу.
05.50 – 06.00 “Юртим манзаралари”.

### Болажон

07.00 “Салом, болажон!”
07.10 “Болажон гимнастикаси”.
07.20 “Қувноқ стартлар”.
07.40 “Мультипанорама”.
08.10 “Миттивойлар мусобақаси”.
08.30 “Мультипанорама”.
09.30 “Ўйинчоғим-овунчоғим”.
10.00 “Болалар учун фильм”.
11.30 “Bravo English!”
11.50 “Эртаклар оламида”.
13.00 “Ланди-ланди”.
13.10 “Мультипанорама”.
14.10 “Қувноқ стартлар”.
14.30 “Эртаклар оламида”.
15.30 “Болажон устахонаси”.
15.40 “Болажонлар саҳнаси”.
15.50 “Эртаклар оламида”.
17.10 “ABC-kids”.
17.30 “Мультипанорама”.
18.00 “Қувноқ алифбо”.
18.30 “Мультипанорама”.
19.30 “Билағон болажон”.
20.00 “Болажон меҳмонхонаси”.
20.20 “Мультипанорама”.
21.00 “Саргузаштлар ороли”.
21.30 “Эртакчи болажонлар”.
21.50 – 22.00 “Хайрли тун”.

### Кинотеатр

6.00 “Юрт мадҳи”.
6.05 “Тўтиқушли хоним”. Б/ф.
7.35 Миллий кино. “Баракасини берсин”.
9.00 “Ватанпарвар”. Б/ф.
11.30 “Рокки Бальбоа”. Х/ф.
13.15 Кундузги сериал. “Сарой жавоҳири”.
14.25 Миллий театр. “Бурч”.
15.45 Миллий кино. “Қасамёд”.
17.00 Миллий кино. “Нотаниш полвон”.
18.25 Миллий кино. “Ҳақиқий эркаклар ови”.
19.45 Миллий сериал. “Сержантлар-2”.
20.30 Миллий кино. “Бурч ва муҳаббат”.
22.05 Миллий кино. “18 -квадрат”.
23.40 “Сўнгги мактуб”, “Ойи”. Қисқа метражли фильмлар.
00.00 “Юрт мадҳи”.
00.05 “Хранитель времени”. Х/ф.
2.10 “Ғаввос”, “Учайиқча”. Қисқа метражли фильмлар.
3.05 – 6.00 “Сиёвуш ҳақида қисса”. Б/ф.

## ЖУМА, 15

### Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.00 “Ҳаёт”. Ҳ/ф.
7.30 Миллий сериал: “Чемпионлик орзуси”.
8.00 “Ахборот”.
8.40 “Бу ажиб дунё”. Ҳ/ф.
9.30 “Монк”. Т/с.
10.15 “Суҳбатдош”.
10.30 1. “Дидар”. 2. “Рангинкамон”.
11.00 “Ахборот”.
11.10 Миллий сериал: “Опа-сингиллар”.
11.50 “Иқлим”.
12.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
13.00 “Устурлоб”.
13.20 “Бу ҳам муҳим”. Ток-шоу.
14.00 “Ахборот”.
14.15 “Менинг боғим”.
14.35 Миллий сериал: “Фидойилар”.
15.05 “Кўнгил ободлиги”.
15.25 “Уй томон парвоз”. Б/ф.
17.00 “Ахборот”.
17.10 “Агроолам”.
17.30 “Гап”. Б/ф.
17.55 “Иқлим”.
18.05 “Менинг ҳуқуқим”.
18.15 Миллий сериал: “Опа-сингиллар”.
18.55 “Зиё” студияси: “Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида”.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” /рус/.
20.05 “Севги сароблари”. Т/с.
20.35 “Қишлоқ ҳаёти”.
21.00 “Ахборот”.
21.40 – 23.55 “Муносабат +”.
23.55 “Қишлоқ ҳаёти”.
00.15 Миллий сериал: “Опа-сингиллар”.
00.55 “Иқлим”.
1.00 “Ахборот” /рус/.
1.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
2.30 “Чашма”. Б/ф.
3.45 “Шарқ тароналари”.
4.00 “Ахборот”.
4.40 Миллий сериал: “Чемпионлик орзуси”.
5.10 “Агроолам”.
5.30 – 5.55 “Кўрганларимиз ҳақида”.

### Ёшлар

6.00 “Ватан меҳри”.
6.10 “Пойга”. Б/ф.
7.40 “Табассум қил!”
8.00 “Вельвет галереяси”. Т/с.
8.50 “Юрт келажаги”.
9.10 “Меҳмонхона”. Т/с.
9.50 “Томчида қуёш”.
10.00 “Давр”.
10.10 “Бир муҳаббат тарихи”. Т/с.
11.00 “Шарқ гавҳари”.
12.00 “Умид”. Т/с.
12.50 “Ўзингни асра!”
13.00 “Давр”.
13.10 “Мўъжизавий дунё”.
14.00 “Баркамоллик сари”.
14.10 “Иф қалъасининг маҳбуси”. Б/ф. 2-қисм.
15.30 “Ёшлар ва “оммавий маданият”.
15.50 “Огоҳ бўлинг!”
16.00 “Давр”.
16.10 “Канизак Изаура”. Т/с.
16.50 “Сув остига саёҳат”.
17.10 “Фан ва ёшлар”.
17.30 “Аршин мол-олан”. Б/ф.
18.50 “Телетуҳфа”.
19.00 “Давр”.
19.30 “Бир муҳаббат тарихи”. Т/с.
20.20 “Эъзоз ва эҳтиром”.
20.50 “Истиқлол қалқони”.
21.00 “Умид”. Т/с.
21.50 “Олий саодат”.
22.00 “Давр”.
22.30 “Ер остига саёҳат”. Б/ф.
00.00 “Мўъжизавий дунё”.
2.10 “Имкон-шоу”.
2.50 “Мардлар байрами”.
3.00 “Хамсахонлик кечаси”.
4.30 “Шарқ гавҳари”.
5.30 – 6.00 “Давр”.

### Тошкент

5.55 “Ягонасан, муқаддас Ватаним!”
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 “Poytaxt”.
6.15 Миллий сериал: “Қисмат битиги”.
6.55 “Тошкент вақти”.
9.10 “Муҳаббат тантанаси”. Т.с.
9.50 “Poytaxt-sport”.
10.20 “Бахт маликаси”. Т.с.
11.15 “Очиқ мулоқот”.
12.15 Миллий сериал: “Қисмат битиги”.
13.15 “Пойтахт йўлларида”.
13.45 “Poytaxt-intervyu”.
14.10 “Тошкент вақти”.
15.10 “Танҳо малагим”. Т.с.
15.50 “Poytaxt-sport”.
16.15 Миллий кино: “Кўкка совурилган пуллар”. Б/ф.
17.45 “Poytaxt-avto”.
18.15 “Ишга марҳамат!”
18.20 “Мобильная камера”.
18.30 “Эртамиз эгалари”.
18.50 “Пойтахт-репортаж”.
19.00 “Телемаркет”.
19.15 “Муҳаббат тантанаси”. Т.с. /Премьера/.
20.20 “Танҳо малагим”. Т.с. /Премьера/.
21.00 “Кўзгудаги биз”.
21.30 “Poytaxt-eko”.
21.45 “Телемаркет”.
22.20 “Тысяча слов”. Х/ф.
00.05 “Пойтахт-авто”.
00.15 “Очиқ мулоқот”.
1.00 “Poytaxt-eko”.
1.10 “Бахт маликаси”. Т.с.
1.45 “Poytaxt-Hi-tech”.
2.10 Миллий кино: “Ватан”.
3.45 “Пойтахт-эко”.
3.55 – 5.55 “Тошкент вақти”.

### Спорт

6.00 “Хайрли тонг!”
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 “Шижоат”.
6.35 “Месси”. Ҳужжатли фильм.
7.00 “Sport-online”.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.15 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
9.00 “Халқ ўйинлари”.
9.10 Бокс. Жаҳон чемпионати.
10.10 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Иордания – Вьетнам.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 “Sport-online”.
13.00 Теннис.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 “REKORD.UZ”.
15.15 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Австралия – БАА.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 “Face-sport”.
18.00 ХАБАРЛАР.
18.25 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Хитой – Сурия. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.30 “Спорт-маркет”.
20.35 “Ифтихоримсан, спорт!”
20.50 “Техноспорт”.
21.00 ХАБАРЛАР.
21.25 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Эрон – Қатар. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.20 “Соғлом турмуш сари”.
00.05 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
1.10 ХАБАРЛАР.
1.35 Баскетбол.
2.50 “Face-sport”.
3.45 “Эътироф”.
3.55 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
5.00 – 6.00 Теннис.

### Маҳалла

06.00 “Ватан мадҳи”.
06.05 Миллий сериал. “Вақт қадри”.
06.30 “Фотокўзгу”.
06.35 Миллий кино. “Буюк Амир Темур”.
08.35 “Кун нафаси”.
08.45 “TV анонс”.
08.50 Миллий сериал. “Кўнгил кўчалари”.
09.25 “Изҳор”.
09.30 “Юксалиш мезонлари”.
10.00 “Фотокўзгу”.
10.00 “Маҳалладошлар”.
10.25 “Изҳор”.
10.30 “Мард ўғлонлар”.
11.20 “TV анонс”.
11.45 “Сулола”.
12.05 “Маҳалламиз спорти”.
12.25 “Изҳор”.
12.30 “Мўъжаз Ватан”.
12.55 “Кун нафаси”.
13.00 Миллий кино. “Ўтган кунлар”.
14.30 “TV анонс”.
14.35 “Тарбиянинг олтин қоидаси”.
14.55 “Изҳор”.
15.00 Миллий сериал. “Мафтуна”.
15.30 “Тўйлар муборак!”
15.55 “Кун нафаси”.
16.00 Миллий сериал. “Она дарё”.
16.30 “TV анонс”.
16.35 “Шукрона”.
16.55 “Изҳор”.
17.00 “Теран илдизлар”.
17.20 “Фотокўзгу”.
17.25 “Соғлом оила”.
17.55 “Кун нафаси”.
18.00 “Маҳалламиз болалари”.
18.20 “Иш билганга минг танга”.
18.40 “English at te Mahalla”.
19.05 Миллий сериал. “Кўнгил кўчалари”.
19.40 “Осойишта ҳаёт”.
20.00 “Бола бошидан”.
20.50 “Кун нафаси”.
21.00 Миллий кино. “Ҳаёт-мамот”.
22.25 “Изҳор”.
22.30 “Аждодлар хазинаси”.
22.55 “TV анонс”.
23.00 “Кун нафаси”.
23.10 “Йўлга чиқдик”.
23.20 “Соғлом турмуш”.
00.00 “Ватан мадҳи”.
00.05 Миллий сериал. “Вақт қадри”.
00.30 “Фотокўзгу”.
00.35 “Ён қўшним-жон қўшним”.
01.00 Миллий кино. “Ўтган кунлар”.
02.30 “Муқаддас қадамжолар”.
02.35 “Мўъжаз Ватан”.
02.55 “Изҳор”.
03.00 Миллий сериал. “Мафтуна”.
03.30 “Фотокўзгу”.
03.35 “Ноёб институт”.
03.55 “Муқаддас қадамжолар”.
04.00 Миллий сериал. “Она дарё”.
04.30 “Табаррук анъана”.
04.50 “Истеъдод”.
05.15 “Саодатли умр”.
05.40 – 06.00 “Жавондаги жавоҳир”.

### Болажон

07.00 “Салом, болажон!”
07.10 “Болажон гимнастикаси”.
07.20 “Қувноқ стартлар”.
07.40 “Мультипанорама”.
08.10 “Ақлли планшет”.
08.30 “Мультипанорама”.
09.50 “Сеҳрли қўллар”.
10.00 “Болалар учун фильм”.
11.10 “Ўйинчоғим-овунчоғим”.
11.50 “Эртаклар оламида”.
12.50 “ABC-kids”.
13.10 “Мультипанорама”.
13.50 “Ланди-ланди”.
14.00 “Қувноқ алифбо”.
14.30 “Эртаклар оламида”.
15.40 “Болажон устахонаси”.
15.50 “Эртаклар оламида”.
17.10 “Қувноқ стартлар”.
17.30 “Мультипанорама”.
18.00 “Bravo English!”
18.30 “Мультипанорама”.
19.50 “Миттивойлар мусобақаси”.
20.10 “Мультипанорама”.
21.00 “Болажон ошхонаси”.
21.10 “Худойберди бобо меҳмонда”.
21.30 “Эртакчи болажонлар”.
21.50 – 22.00 “Хайрли тун”.

### Кинотеатр

6.00 “Юрт мадҳи”.
6.05 “Осмондан тушган мерос”. Б/ф.
7.30 Миллий кино. “Қўрғон”.
9.00 Саргузашт фильмлар экрани. “Катта аскар”.
10.40 “Судья”. Х/ф.
13.00 “Сарой жавоҳири”. Т/с.
14.10 “Тўфон”. Б/ф.
15.40 Болалар экрани. “Товус малика”.
17.10 “Қил устида”. Б/ф.
19.00 Миллий сериал. “Сержантлар-2”.
19.45 Миллий кино. “Жасур”.
21.10 Ҳафта юлдузи. Пьер Ришар.
21.30 “Омадсизлар”. Б/ф.
23.00 Миллий кино. “Ғаройиб ҳодиса”.
00.00 “Юрт мадҳи”.
00.05 “Дневник горничной”. Х/ф.
1.35 Миллий кино. “Нотаниш полвон”.
2.55 “Хитойча даво”. Б/ф.
4.35 – 6.00 “Яхши аёл”. Б/ф.

## ШАНБА, 16

### Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.00 “Ота меҳри”. Б/ф. 1-қисм.
8.00 “Ахборот”.
8.40 “Интизом чегараси”. Б/ф.
10.20 “Иқлим”.
10.35 “Бизнес старт”.
11.00 “Ўзингни англа”. Ток-шоу.
11.45 “Кунларнинг бирида”.
12.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
13.00 “Анна ва қирол”. Б/ф.
15.15 “Иқлим”.
15.30 “Билимдон”. Интеллектуал танлов.
16.30 “Ахборот”. /Инглиз/.
16.40 “Имконият”.
17.00 “Ахборот”.
17.10 “Кўнгил риштаси”. Б/ф.
18.35 “Учбурчак”. Ток-шоу.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” /рус /.
20.05 “Ойдин ҳаёт”. Ток-шоу.
21.00 “Ахборот”.
21.40 “Таҳлил-25”.
22.00 – 00.15 Ҳинд киноси: “Сўнгги япроқ”.
00.15 “Учбурчак”. Ток-шоу.
1.00 “Ахборот” /рус/.
1.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
2.30 “Алпомиш”. Б/ф. 1-қисм.
3.45 “Шарқ тароналари”.
4.00 “Ахборот”.
4.40 “Таҳлил-25”.
5.05 – 5.55 “Ойдин ҳаёт”. Ток-шоу.

### Ёшлар

6.00 “Ватан меҳри”.
6.10 “Анна Каренина”. Б/ф. 1-қисм.
7.30 “Мутойиба”.
8.10 “Соғлом ҳаёт”.
8.30 “Катта саргузашт”. Б/ф.
9.50 “Ўзингни асра!”
10.00 “Давр”.
10.10 “Бир муҳаббат тарихи”. Т/с.
11.00 “Эъзоз ва эҳтиром”.
11.30 “Ажаб қишлоқ ҳангомалари”.
12.00 “Умид”. Т/с.
12.50 “Огоҳ бўлинг!”
13.00 “Давр”.
13.10 “Имкон-шоу”.
14.00 “Томчида қуёш”.
14.10 “Иф қалъасининг маҳбуси”. Б/ф. 3-қисм.
15.50 “Баркамоллик сари”.
16.00 “Давр”.
16.10 “Канизак Изаура”. Т/с.
17.00 “Қизлар мактаби”.
17.30 “Қайнона”. Б/ф.
18.50 “Телетуҳфа”.
19.00 “Давр”.
19.30 “Бир муҳаббат тарихи”. Т/с.
20.20 “Ош бўлсин!”
20.50 “Истиқлол қалқони”.
21.00 “Умид”. Т/с.
21.50 “Олий саодат”.
22.00 “Давр”.
22.30 “Сирли саёҳат”. Б/ф.
00.10 “Ёшлар ва “оммавий маданият”.
00.30 “Афсона ва ҳақиқат”.
5.30 – 6.00 “Давр”.

### Тошкент

5.55 “Ягонасан, муқаддас Ватаним!”
6.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 “Poytaxt”.
6.10 “Горы”. Д/ф.
7.00 “Тошкент вақти”.
9.00 “Poytaxt-reportaj”.
9.10 “Муҳаббат тантанаси”. Т.с.
9.45 “Пойтахт-Hi-tech”.
10.20 “Бахт маликаси”. Т.с. /Премьера/.
11.00 “Дунёдан дараклар”.
11.25 “Сифат назорати”.
12.15 “Сичқон ови”. Б/ф.
13.45 “Пойтахт-авто”.
14.10 “Тошкент вақти”.
15.00 “Poytaxt-madaniyat”.
15.10 “Танҳо малагим”. Т.с.
15.50 “Пойтахт-репортаж”.
16.15 Миллий кино: “Алданган аёл”.
18.15 “Ишга марҳамат!”
18.20 “Кўзгудаги биз”.
19.00 “Телемаркет”.
19.15 “Муҳаббат тантанаси”. Т.с. /Премьера/.
20.20 “Танҳо малагим”. Т.с. /Премьера/.
21.00 “Олинг-олинг”.
21.30 “Ўзгача услуб”.
21.50 “Телемаркет”.
22.20 “Шеф Адам Джонс”. Х/ф. /Премьера/.
00.05 “Пойтахт-эко”.
00.15 “Тошкент вақти”.
1.15 “Бахт маликаси”. Т.с.
1.50 “Пойтахт-эко”.
2.10 Миллий кино: “Кўкка совурилган пуллар”. Б/ф.
3.30 “Кинотақдим”.
3.55 – 5.55 “Тошкент вақти”.

### Спорт

6.00 “Хайрли тонг!”
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 Футбол. Осиё чемпионати. U-23.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.15 “Ифтихоримсан, спорт!”
8.30 Баскетбол.
9.45 “Куч бирликда”.
10.20 Бокс. Жаҳон чемпионати.
11.10 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Хитой – Сурия.
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Эрон – Қатар.
15.55 Теннис.
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 “Шохсупага йўл”.
18.00 ХАБАРЛАР.
18.25 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Таиланд – Япония. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.25 “Спорт-маркет”.
20.30 ХАБАРЛАР.
21.25 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Ўзбекистон – Ироқ. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.55 “Техноспорт”.
00.05 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Яман – Жанубий Корея.
1.50 ХАБАРЛАР.
2.10 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
2.55 Гандбол. Европа чемпионати.
3.55 Баскетбол.
5.00 – 6.00 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.

### Маҳалла

06.00 “Ватан мадҳи”.
06.05 Миллий кино. “Фарёд”.
07.30 “Аждодлар хазинаси”.
07.55 Миллий сериал. “Кўнгил кўчалари”.
08.30 “Кун нафаси”.
08.40 “Иш билганга минг танга”.
09.00 “TV анонс”.
09.05 “Бола бошидан”.
09.55 “Изҳор”.
10.00 Миллий кино. “Ҳаёт-мамот”.
11.25 “Изҳор”.
11.30 “Осойишта ҳаёт”.
11.50 “Маҳалламиз болалари”.
12.10 “English at the Mahalla”.
12.35 “Маҳалладошлар”.
12.55 “Кун нафаси”.
13.00 Миллий кино. “Тўйлар муборак”.
14.00 “Изҳор”.
14.05 “Соғлом оила”.
14.35 “Маҳалламиз спорти”.
14.55 “TV анонс”.
15.00 Миллий кино. “Севинч”.
16.40 “Мард ўғлонлар”.
17.30 “TV анонс”.
17.35 “Эҳтиёж формуласи”.
17.55 “Кун нафаси”.
18.00 “Соғлом турмуш”.
18.20 “Маҳаллам ҳақида”.
18.40 “Нуроний фасл”.
19.00 “Нодир наволар”.
19.30 “Изҳор”.
19.35 “Фермер”.
19.55 “Маҳалламиз Зулфиялари”.
20.20 “Кўнгилдаги гаплар”.
21.00 Миллий кино. “Мажруҳ”.
22.45 “Обод юрт одамлари”.
23.05 “Қишлоқ қўйнидаги бахт”.
23.30 “Ихтиро”.
00.00 “Ватан мадҳи”.
00.05 Миллий кино. “Фарёд”.
01.30 “Изҳор”.
01.35 “Қайнона бисотидан”.
01.55 Миллий кино. “Тўйлар муборак!”
02.55 “Мўъжаз Ватан”.
03.15 “Таҳлил ва талқин”.
03.35 “Шукрона”.
04.00 Миллий кино. “Севинч”.
05.40 – 06.00 “Тарбиянинг олтин қоидаси”.

### Болажон

07.00 “Салом, болажон!”
07.10 “Болажон гимнастикаси”.
07.20 “Қувноқ стартлар”.
07.40 “Мультипанорама”.
08.10 “Боғбон болажон”.
08.30 “Мультипанорама”.
09.50 “Болажонлар саҳнаси”.
10.00 “Болалар учун фильм”.
11.20 “Қувноқ алифбо”.
11.50 “Эртаклар оламида”.
13.00 “Ланди-ланди”.
13.10 “Мультипанорама”.
13.50 “ABC-kids”.
14.10 “Қувноқ стартлар”.
14.30 “Эртаклар оламида”.
15.40 “Болажон устахонаси”.
15.50 “Эртаклар оламида”.
17.00 “Bravo English!”
17.30 “Мультипанорама”.
18.00 “Ўйинчоғим-овунчоғим”.
18.30 “Мультипанорама”.
19.50 “Билағон болажон”.
20.20 “Мультипанорама”.
21.00 “Саргузаштлар ороли”.
21.30 “Эртакчи болажонлар”.
21.50 – 22.00 “Хайрли тун”.

### Кинотеатр

6.00 “Юрт мадҳи”.
6.05 “Изтопар”. Б/ф.
7.35 Миллий кино. “Жасур”.
8.55 Саргузашт фильмлар экрани. “Овчи ўғли”.
10.20 “Астронавт”. Б/ф.
11.45 “Другая я”. Х/ф.
13.05 “Сарой жавоҳири”. Т/с.
14.15 “Синов”. Б/ф.
16.15 Болалар экрани. “Очил дастурхон”.
17.20 “Тоғ қўриқчилари”. Б/ф.
18.55 Миллий сериал. “Сержантлар-2”.
19.35 “Моҳият ва маҳорат”.
20.10 Миллий кино. “Фарзандим”.
21.40 Жаҳон киноси. “Хотиралар шаҳрига саёҳат”. Премьера.
00.00 “Юрт мадҳи”.
00.05 “Думай как мужик”. Х/ф.
1.50 “Ҳаммаси яхши”. Б/ф.
3.20 Миллий кино. “Фериде”.
4.45 – 6.00 “Эйс Вентура”. Б/ф.

## ЯКШАНБА, 17

### Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.00 “Ота меҳри”. Б/ф. 2-қисм.
8.00 “Ахборот”.
8.35 “Амадеус”. Б/ф.
11.00 “Ойдин ҳаёт”. Ток-шоу.
11.45 “Кунларнинг бирида”.
12.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
13.00 “Муносабат +”.
15.15 “Иқлим”.
15.25 “Ғозбоқар малика”. Б/ф.
16.40 “Учбурчак”. Ток-шоу.
17.30 “Севги ибтидоси”. Б/ф. Премьера.
19.00 “Кўрганларимиз ҳақида”.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 “Таҳлилнома” /рус/.
20.05 “Ўзингни англа”. Ток-шоу.
21.00 “Таҳлилнома”.
21.40 “Заковат”.
22.40 – 00.20 “Машаққат нашидаси”. Б/ф.
00.20 “Ўзингни англа”. Ток-шоу.
1.00 “Таҳлилнома” /рус/.
1.30 “Ассалом , Ўзбекистон!”
2.30 “Алпомиш”. Б/ф. 2-қисм.
3.45 “Шарқ тароналари”.
4.00 “Таҳлилнома”.
4.40 “Заковат”.
5.40 – 5.55 “Кунларнинг бирида”.

### Ёшлар

6.00 “Ватан меҳри”.
6.10 “Анна Каренина”. Б/ф. 2-қисм.
7.00 “Шарқ гавҳари”.
8.10 “Навоий сабоқлари”.
8.30 “Зўр ўтирибмиз”. Б/ф.
9.45 “Omad lotto”.
10.00 “Ватанпарвар”.
10.40 “Қалпоқ”. Ҳажвия.
11.10 “Ниқоб”. Б/ф.
12.50 “Фан ва ёшлар”.
13.10 “Кичкина афсунгар”. Б/ф.
14.50 “Қизлар мактаби”.
15.10 “Ҳа, жаноб”. Б/ф.
16.50 “Ёшлар боғи”.
17.10 “Гугуртга кетиб”. Б/ф.
18.50 “Баркамоллик сари”.
19.00 “Давр ҳафта ичида”.
19.30 “Имкон-шоу”.
20.20 “Криш”. Б/ф.
23.20 “Мўъжизавий дунё”.
00.00 “Ватанпарвар”.
00.40 “Афсона ва ҳақиқат”.
5.30 – 6.00 “Давр ҳафта ичида”.

### Тошкент

5.55 “Ягонасан, муқаддас Ватаним!”
6.00 “Сезонные леса”. Д/ф.
6.50 “Пойтахт-Hi-tech”.
7.00 “Тошкент вақти”.
9.00 “Пойтахт йўлларида”.
9.30 “Пазанда”.
10.00 Ҳинд киноси: “Тангри яратган жуфтлик”.
12.20 “Poytaxt-madaniyat”.
12.35 “Мен сизга айтсам”.
13.15 “Кадр ортида”.
13.35 “Олинг-олинг”.
14.10 “Тошкент вақти”.
15.00 “Дунёдан дараклар”.
15.25 Миллий кино: “Сотқин”.
17.55 “Poytaxt-avto”.
18.10 “Ҳикматли дунё”. “13-палата” телeновелла.
18.45 “Пойтахт-культура”.
19.00 “Телемаркет”.
19.15 “Тиллақош”.
20.00 “Тошкент вақти”.
21.00 “Рангли телевизор”.
21.40 “Телемаркет”.
21.55 “Кинотақдим”.
22.20 “Стажер”. Х/ф. /Премьера/.
00.15 “Профессионал”.
00.40 “Пойтахт-культура”.
00.55 “Ҳикматли дунё”. “Қалб” теленовелла.
1.40 “Саломат бўлинг!” тележурнали.
2.10 Миллий кино: “Алданган аёл”.
3.45 “Poytaxt-avto”.
3.55 – 5.55 “Тошкент вақти”.

### Спорт

6.00 “Хайрли тонг!”
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Таиланд – Япония.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.15 Гандбол. Европа чемпионати.
9.15 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
10.05 “Қувноқ стартлар”.
10.40 “Военное дело”.
11.00 “Халқ ўйинлари”.
11.10 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 КХДР – С. Арабистони.
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 “Қорақалпоқ спорти”.
13.20 “Face-sport”.
14.15 “Эътироф”.
14.30 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Ўзбекистон – Ироқ.
16.15 Теннис.
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 “Орзулар кемаси”.
18.00 ХАБАРЛАР.
18.25 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 Вьетнам – Австралия. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.25 “СПОРТ-МАРКЕТ”.
20.30 “Спортимиз маликалари”.
21.00 ХАБАРЛАР.
21.25 Футбол. Осиё чемпионати. U-23 БАА – Иордания. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.20 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
00.05 Гандбол. Европа чемпионати.
1.05 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.
2.05 Футбол. Осиё чемпионати. U-23.
3.45 Трамплиндан сакраш. Жаҳон Кубоги.
4.50 – 6.00 Теннис.

### Маҳалла

06.00 “Ватан мадҳи”.
06.05 “Нодир наволар”.
06.35 “Тўйлар муборак”.
07.00 “Хуш кайфият”.
08.00 Миллий кино. “Суюнчи”.
09.10 “TV анонс”.
09.15 “Кўнгилдаги гаплар”.
09.55 “Изҳор”.
10.00 Миллий кино. “Мажруҳ”.
11.45 “Фермер”.
12.05 “Соғлом турмуш”.
12.25 “TV анонс”.
12.30 “Ораста бекажон”.
13.00 “Хуш кайфият”.
14.00 “TV анонс”.
14.05 “Бола бошидан”.
14.55 “Изҳор”.
15.00 Миллий кино. “Хаста”.
16.15 “TV анонс”.
16.20 “Обод юрт одамлари”.
16.40 “Нуроний фасл”.
17.00 “Изҳор”.
17.05 “Теран илдизлар”.
17.25 “Фотокўзгу”.
17.30 “Маҳалламиз болалари”.
17.50 “Маҳалламиз спортчилари”.
18.40 “Жавондаги жавоҳир/2”.
19.00 “TV анонс”.
19.05 “Қувноқлар ва зукколар”.
19.50 “Етти хазина”.
20.15 “Йўлга чиқдик”.
20.45 “7 кун нафаси”.
21.00 “Хуш кайфият”.
22.00 Миллий кино. “Однокласники.ру”.
23.35 “Қадр топган қадриятлар”.
00.00 “Ватан мадҳи”.
00.05 Миллий кино. “Суюнчи”.
01.15 “Сулола”.
01.35 “Юксалиш мезонлари”.
02.05 Миллий кино. “Хаста”.
03.15 “Етти хазина”.
03.40 “Маҳалладошлар”.
04.00 “Биламиз-ку аммо”.
04.20 “Табиат шифохонаси”.
04.40 “Теран илдизлар”.
05.00 “Изҳор”.
05.05 “Мард ўғлонлар”.
05.50 – 05.50 “Юртим манзаралари”.

### Болажон

07.00 “Салом, болажон!”
07.10 “Болажон гимнастикаси”.
07.20 “Қувноқ стартлар”.
07.40 “Мультипанорама”.
08.10 “Миттивойлар мусобақаси”.
08.30 “Мультипанорама”.
10.00 “Сеҳрли қўллар”.
10.10 “Болалар учун фильм”.
11.40 “Болажонлар саҳнаси”.
12.00 “Мультипанорама”.
13.30 “ABC-kids”.
13.50 “До-ми-соль”.
14.10 “Эртаклар оламида”.
15.30 “Қувноқ стартлар”.
15.50 “Эртаклар оламида”.
17.20 “Болажон устахонаси”.
17.30 “Мультипанорама”.
18.00 “Болажонлар саҳнаси”.
18.10 “Эртаклар оламида”.
19.30 “Bravo English!”
20.00 “Болажон меҳмонхонаси”.
20.20 “Мультипанорама”.
21.10 “Китоблар мамлакатида”.
21.30 “Эртакчи болажонлар”.
21.50 – 22.00 “Хайрли тун”.

### Кинотеатр

6.00 “Юрт мадҳи”.
6.05 “Холодильникда кимдир борми?” Б/ф.
7.20 Миллий кино. “Фарзандим”.
8.50 “Жаноб Смит ва Смит хоним”. Б/ф.
10.40 “Погоня за красотой”. Х/ф.
12.15 “Уйғониш”. Б/ф.
14.15 “Акула кўли”. Б/ф. Премьера.
15.50 Болливуд туҳфаси. “Қўрқув”.
18.55 Миллий кино. “Ўкинч”. Премьера.
20.05 Жаҳон киноси. “33”. Б/ф. Премьера.
22.20 Миллий кино. “Шабнам”.
00.00 “Юрт мадҳи”.
00.05 “Солярис”. Х/ф.
2.45 Миллий кино. “Интеграл”.
4.00 – 6.00 “Мона Лиза табассуми”. Б/ф.

## Спорт янгиликлари



Муҳаммад Амин олган сурат

**_Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортнинг барча турини, жумладан, теннисни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида спорт навқирон авлодни жисмонан соғлом этиб тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилмоқда._**

# ЮКСАК ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон теннис федерацияси томонидан мамлакатимизда теннисни оммалаштириш, ушбу спорт тури бўйича истеъдодли ёшларни тарбиялаш мақсадида ҳар йили нуфузли халқаро ташкилотлар – Профессионал теннисчилар уюшмаси, Хотин-қизлар теннис уюшмаси ва Халқаро теннис федерацияси мусобақалари тақвимига кирувчи ўсмирлар, хотин-қизлар ва катталар ўртасидаги халқаро турнирлар ўтказиб келинмоқда.

"Челленжер", "Фьючерс" ва ITF туркумига кирувчи турнирлар орасида эркаклар ўртасидаги "ATP – Tashkent challenger" ва хотин-қизлар ўртасидаги "Tashkent Open" халқаро турнирларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур мусобақалар истеъдодли ёшларнинг маҳоратини ошириш, профессионал теннисда ўз ўрнини топишига хизмат қилмоқда. Бу мусобақаларда тажриба орттирган моҳир теннисчиларимиз халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётир.

2015 йилги мавсум теннисчиларимиз учун омадли бўлди. Денис Истомин Буюк Британиянинг Ноттингем шаҳрида ўтказилган "Aegon Nottingham Open – 2015", Швейцариянинг Гштаад шаҳри мезбонлик қилган "Suisse Open Gstaad" анъанавий халқаро турнирларининг жуфтлик баҳсларида бош совринни қўлга киритди. "Катта дубулға" туркумига кирувчи мусобақаларда муносиб иштирок этди. Пойтахтимизда ўтказилган "Tashkent challenger – 2015" анъанавий халқаро турнирининг яккалик баҳсларида бош соврин соҳиби бўлди.

Яна бир тажрибали теннисчимиз Фаррух Дўстов Туркиянинг Агри шаҳрида "ATP Agri challenger – 2015" халқаро турнирининг яккалик баҳсларида ғолиб бўлди. Ёш теннисчи Жўрабек Каримов Австралиянинг Мельбурн шаҳрида "Катта дубулға" туркумига кирувчи "Australian Open – 2015" турнирининг ўсмирлар ўртасидаги баҳсларида ярим финалга чиқди. Парижда ўтказилган "Ролан Гаррос" халқаро турнирида мухлису мутахассислар олқишига сазовор бўлди.

Темур Исмоилов, Ҳумоюн Султонов, Нигина Абдураимова, Альбина Хабибулина, Влада Екшибарова, Сабина Шарипова, Полина Меренкова каби моҳир теннисчиларимиз дунёнинг турли мамлакатларида ташкил этилган "Челленжер", "Фьючерс" ва қатор халқаро турнирларнинг яккалик ва жуфтлик баҳсларида муваффақиятли иштирок этди.

Ўзбекистон терма жамоаси Дэвис кубогида ҳам муносиб қатнашди. Мазкур мусобақанинг Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳ иккинчи босқич учрашувида терма жамоамиз аъзолари Жанубий Корея вакилларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, жаҳон лигасининг плей-офф баҳсида АҚШ терма жамоаси билан куч синашди.

Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган теннис бугун ёшларимизнинг севимли спорт турларидан бирига айланган. Халқаро мусобақаларда Ватанимиз обрўсини юксалтираётган теннисчиларга ҳавас қилиб, ушбу спорт сирларини ўрганишга бел боғлаган ёшлар сафи ортиб бораётир. Уларнинг теннис билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилмоқда. Айни пайтда юртимизда 25 мингдан зиёд йигит-қиз теннис билан мунтазам шуғулланмоқда.

Фарғонадаги теннисга ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби ана шундай масканлардан бири. Мактабга ўқувчилар 5 ёшдан қабул қилинади. 11 малакали мураббий 280 ёш теннисчига сабоқ бермоқда. Ўқувчиларнинг 145 нафари қизлардир.

Мактабда халқаро талабларга жавоб берадиган тўққизта сунъий қопламали теннис корти, тренажёр зали ўқувчилар ихтиёрида. Бу ерда анъанавий "Fergana Cup", "Challenger" турнирлари ўтказилади.

– Мактабимизда тажрибали теннисчилар ёшларга маҳорат сабоқлари ўтказиб туради, – дейди теннис мактаби директори Собирхўжа Саидхўжаев. – Бу ўқувчиларнинг теннис сирларини пухта эгаллаши ва тажриба тўплашида катта ёрдам беради.

Бугунги кунда теннис мактаби битирувчиларидан Бобур Комилжонов, Қодиржон Одилов, Шаҳзода Ҳотамова, Шаҳноза Ҳотамова, Сарвиноз Саидхўжаева каби маҳоратли теннисчилар халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқда.

Сарвиноз Саидхўжаева ITF мусобақалари тақвимига кирувчи халқаро турнирларнинг жуфтлик баҳсларида бир неча бор совриндорлар қаторидан жой олган. 2015 йилда Президентимиз Фармонига мувофиқ Сарвиноз Саидхўжаева Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

– Халқаро мусобақаларда хорижлик тенгдошларимнинг бизга ҳавас қилганини кўриб, шундай юрт фарзанди эканимдан ғурурланаман, – дейди у. – Президентимизнинг биз, ёшларга меҳр ва эътибори туфайли Зулфияхоним қизлари сафидан жой олдим. Келгусида ана шу юксак ишончни оқлашга астойдил интиламан.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# БАРКАМОЛЛИК АСОСИ

**_Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасида халқаро майдонда Ўзбекистон шуҳратини юксалтиришга қодир навқирон авлод вояга етмоқда._**

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан олинган маълумотларга кўра, 2015 йилда ёш спортчиларимиз Италия, Франция, Германия, Чехия, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Малайзия, Ҳиндистон, Россия каби йигирмадан зиёд давлатда бўлиб ўтган нуфузли мусобақаларда 138 олтин, 79 кумуш, 90 бронза, жами 307 медалга сазовор бўлди.

Спорт соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим омили, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг воситасига айланганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Айниқса, болалар спорти турлари бўйича мусобақалар мунтазам ташкил этилаётгани ёшларни спортга қизиқтириш, уларнинг ғалабага бўлган қизиқиш ва интилишини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган йили қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб спорт мусобақалари ўтказилди. Жамғарманинг минтақавий филиаллари томонидан спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш мақсадида 9898 спорт мусобақаси ташкил этилиб, уларда 2 миллиондан ортиқ ўғил-қизнинг иштироки таъминланди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби замонавий спорт мажмуаларидан биридир. Мазкур спорт мактаби 2008 йилда болалар спорти мажмуаси сифатида фаолиятини бошлаган. 2013 йилда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мақомини олгач, бу ердаги тўгараклар сони кўпайди, қатновчилар сафи кенгайди.

Мактабда тарбияланувчилар спорт-соғломлаштириш, бошланғич тайёргарлик ҳамда ўқув-машғулот гуруҳларида маҳоратини оширмоқда. Машқлар ўқувчиларнинг бўш вақтига қараб, белгиланган ўқув дастури асосида олиб борилаётир. Ёпиқ спорт зали, иккита теннис корти, мини-футбол ва футбол майдонлари доимо гавжум.

– Машғулотлар қатъий жадвал асосида ўтказилади, – дейди ЎзА мухбирига спорт мактаби директори Асқар Абдураимов. – Асосий эътибор болаларнинг мунтазам шуғулланиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаши, иқтидор ва маҳоратини юзага чиқаришига қаратилади. Жорий йилдаги асосий мақсадимиз волейбол, теннис, бадминтон ва қўл тўпи каби олимпия дастурига киритилган спорт турлари бўйича тўгараклар фаолиятини йўлга қўйишдан иборат.

Мажмуада беш юздан зиёд ўғил-қиз бадиий гимнастика, таэквондо (WTF), футбол, стол тенниси, шахмат, енгил атлетика, камондан ўқ отиш каби спорт турлари билан шуғулланади. Тарбияланувчиларнинг 270 нафари қизлардир.

Қизлар ўртасида спортнинг нафис тури – бадиий гимнастикага қизиқиш кучли. Айни пайтда 150 қиз ушбу спорт билан шуғулланмоқда. "Умид ниҳоллари – 2015" спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳар финал босқичида Чилонзор тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, Президентимиз совғаси – "Damas" автомобили билан тақдирланган эди. Бунда мазкур мактаб тарбияланувчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Нуфузли турнирларда совринли ўринларни эгаллаб келаётган спортчилар қаторида ёш истеъдодли тарбияланувчилар ҳам ўз маҳоратини намойиш этмоқда. 2015 йилда мазкур мактаб тарбияланувчилари мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда беш юздан зиёд медални қўлга киритгани бунинг далилидир.

Тарбияланувчиларнинг 17 нафари мамлакатимиз миллий терма жамоалари аъзоларидир. Шундан уч спортчи халқаро спорт устаси нормасини бажарган. Биргина ушбу спорт мактаби ёшлари эришаётган улкан муваффақиятлар мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига берилаётган алоҳида эътибор самараларига далил бўла олади.

**Нурилло НАСРИЕВ**

**_Қатар пойтахти Доҳада 12-30 январь кунлари 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатининг рамзи намойиш этилди._**

# МУСОБАҚА РАМЗИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Мусобақа ташкилотчилари томонидан қитъа биринчилигининг рамзи сифатида "Нажим" номли саҳро тулкиси тасвирланди. Унинг тақдимот маросимида қатнашган Қатар футбол ассоциацияси бош котиби Мансур Ал-Ансори мазкур футбол мусобақаси Доҳа шаҳри мезбонлик қилаётган учинчи йирик турнир эканини таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз, ушбу чемпионат қитъамизнинг 2016 йилдаги энг муҳим мусобақаларидан бири бўлиб, унда Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳам қатнашади. Ҳамюртларимизга гуруҳ босқичида Жанубий Корея, Ироқ ҳамда Яман давлати футболчилари рақиб бўлади. Самвел Бабаян шогирдлари 13 январда Жанубий Корея олимпия терма жамоасига қарши учрашув билан Осиё кубогидаги иштирокини бошлайди.

# МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**_Кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати беллашувларида мамлакатимизнинг юз нафарга яқин аёл курашчилари гиламда ғолиблик учун баҳс олиб боришди._**

Мазкур чемпионат Ўзбекистон терма жамоаси мураббийларига йирик халқаро турнирлар олдидан курашчи қизларимизнинг тайёргарлиги ва жисмоний ҳолатини яна бир бор кўздан кечириш имкониятини берди.

Кутилганидек, терма жамоанинг енгил вазндаги етакчи вакиллари, жаҳон чемпионати иштирокчилари Д.Яхшимуратова, З. Мастанова, С. Эшмуратова олтин медалларни қўлга киритишди. Ўрта ва оғир вазндаги полвонлар беллашувлари ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, 69 килограмм оғирликда иштирок этган Б.Балтаниязова ҳамда Г.Исматоваларнинг финалдаги тўқнашуви анчайин шиддатли тарзда ўтди. Ушбу баҳсда қийинчилик билан ғалаба қозонган Б.Балтаниязова шоҳсупанинг юқорисига кўтарилди.

Турнирга пухта тайёргарлик кўрган Н.Эсенбаева (58 кг.), С.Кўчимова (60 кг.) Н.Гадоева (63 кг.), Л.Оринбаева (75 кг.) ҳам ҳал қилувчи паллаларда рақибларини таслим этиб Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

**_Футзал бўйича 9-21 февраль кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик жараёнини олиб бораётган Ўзбекистон терма жамоаси ўқув-машғулотларни давом эттирмоқда._**

# ЎРТОҚЛИК ЎЙИНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Мазкур йиғинда барча футзалчилар тўлиқ иштирок этишмоқда, ҳеч кимда жароҳат йўқ. Фақатгина Даврон Абдураҳмонов ва Элдор Ҳошимовларга бу сафар терма жамоа сафидан жой ажратилмади. Уларнинг ўрнига Хитойнинг "Гансу Масрей" клуби шарафини ҳимоя қилаётган Шуҳрат Тожибоев таклиф этилди.

Машғулотларда асосий эътибор ҳужум пайтида юзага келадиган вазиятлардан унумли фойдаланиш ҳамда жамоавий ўйинни янада шакллантиришга қаратилмоқда.

Пойтахтимизда ўтказилаётган йиғин 20 январга қадар давом этади. Шундан сўнг 21 январь куни вакилларимиз Қозоғистон терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиш учун Олма-ота шаҳрига йўл олишади. Қўшниларимизга қарши ўйинлар 22 ва 23 январга мўлжалланган.

Эслатиб ўтамиз, ҳамюртларимиз Осиё чемпионатида "А" гуруҳидан ўрин олган бўлиб, Хосе Мария Мендез бошчилигидаги жамоамиз Қирғизистон, Ливан ҳамда Саудия Арабистони терма жамоаларига қарши кураш олиб боради.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

**_Матлуба Дадаева шаҳримизнинг нуфузли олий ўқув юртларидан бирида кафедра ассистенти бўлиб ишларди, илгари жиноят содир этиб, Амнистия қарорига кўра иши ҳаракатдан тугатилган бўлса-да, бундан тўғри хулоса чиқариб олмади._**

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Матлуба 2014 йил сентябрь ойида Зафар Ҳасановни ўқишга киритиб қўйишга ваъда бериб, унинг онаси Барно Жалиловадан дастлаб 1600, эртаси куни эса 2400 АҚШ доллари, жами 4 минг доллар пора олади. Аммо ўз ваъдасини бажармай, пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборади.

Қинғир ишнинг қийиғи чиқиб, судда маълум бўлишича, 2014 йил август ойи охирларида Матлубанинг таниши А. Асқаров ўқишга кира олмаган ўртоғи борлигини, унга ёрдам беришни илтимос қилади, Матлуба кейинчалик Зафар Ҳасанов билан танишиб, унинг онаси Б. Жалиловадан жами 4 минг АҚШ долларини олади, бунга дугонаси Ш. Миробидова гувоҳ бўлади. Лекин орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтади ҳамки, масала ҳал бўлмайди, З. Ҳасановнинг ўқишга киришидан дарак йўқ. Б. Жалилова берган пулини сўраб чарчайди, бу пулни Матлуба аллақачон ишлатиб юборган, уни бўлиб-бўлиб узишга қарор қилади.

2015 йилнинг ёзида Матлуба З.Ҳасановнинг онасидан олган 4 минг доллар ҳисобидан 100 минг сўм пулни қайтариб бераётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

Суд М.Дадаевани ЎзРЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топди ва қилмишига яраша жазо тайинлади.

**Азиз УМАРОВ,**
**Бош Прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Юнусобод тумани бўлими ходими**

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2015 йил 3 декабрь кунги 237-сонида чоп этилган хабарномада қайд этилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уйда жойлашган уй-жой комплексининг аукцион савдоси 2016 йил 9 февраль кунига кўчирилди.

**"Capital Realtor Group" МЧЖ маъмурияти.**

## Қатралар

### ЁЛҒОНЧИГА ЭЛ ИШОНМАС

Бир йигит кўпни кўрган одамга ўз сирини айтмоқчи бўлди.

— Менга айта кўрма. Оғзим "бўшроқ". Кимгадир ошкор қилиб қўйсам... Ҳеч иккиланмай ёлғончига айт. Сиринг ошкор бўлмайди.

— Ие-е, — ёқасини ушлади йигит. — Битта гапимнинг ёнига ўнта ёлғонни қўшиб кимни кўрса валдирайверса нима деган одам бўламан?

— Юзтани қўшиб валдирамайдими?! Сенга нима? Бизда ёлғончининг гапига ҳеч ким ишонмайди.

### САВОБЛИ ДУНЁ

Отанинг боғига Ҳизр барака берган: бола-чақа яйраб есаям, бозорда сотсаям, қурт-қумурсқа, қушлар баҳра олсаям узуми адо бўлмайди.

— Боғдан вақтим чоғ бўлиб юрганига Аллоҳга беадад шукр, — дейди ота, — ҳалол меҳнат таннинг садақаси.

Қариганда тантилиги ошиб, токи йўқ ва ночорларга катта пақирда узум тарқатишни одат қилди. Кўпнинг оғзига элак тутиб бўлмас экан. Кимдир отанинг шаънига: — Қўли очиқ, саҳийга Аллоҳ ҳам хазинасини очиб қўяркан, — деса "қирқ йилдан буён узум сотган пулига сандиғи аллақачон тўлган, қанча узум улашсаям кам", дея висир-висир қилди бир хасис кимса. Ота қазо қилди. Сандиғини очишса омонатдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Лекин содда ва мўмин боғбоннинг охират сандиғи савобларга тўлган эди.

### ҒУРУР

Ёш йигитга учта ўғри ёпишди:

— Жонинг керак бўлса бор пулингни бер, бўлмаса... — дўқ қилди улар.

Йигит чайир эди.

— Мана сенларга пул, — дея кетма-кет мушт туширди уларга. Ўғрилардан бири ҳийла ишлатиб йигитни чалиб йиқитди.

Чўнтагини кавлашса бир миридан ортиқ пули йўқ.

— Вой, пасткаш-ей, бир мирига шунча уришасанми, жонингни қийнаб. — Ҳайрон бўлди ўғрилар.

— Бир мирим учун эмас, ғурурим учун уришдим, — деди йигит рақибларини уялтириб.

### ДАРАХТ

Дарахт улғайиб ҳосилга кирди. Атрофда тирик жон борки, унга гиргиттон. Мақтовлар эвазига хиёл димоғланиб:

— Менсиз хунук дашт эдинг. На баҳор баҳорлигини қилар, на куз кузлигини... Фаслларнинг чиройини ўзим кўз-кўз қиляпман, — деб қолди Ерга.

— Шунчалик бўлганингда пойингда туну кун сенга бераётган меҳримни унутдингми? Фақат кўкка эмас, мулоҳаза билан пойингга ҳам боқишни унутма, — деди Ер.

### СОҒЛИҚ

— Қопчиғим тўлмай яшаб ўтаманов, бу оламдан, — бошдан норози бўлди қорин. — Мен ҳақимда ҳам ўйлаб кўрсанг-чи.

— Вақтида ўйлаб кўрганман, — дадиллик билан жавоб берди бош. — Роса тўйгунингча овқатни тиқиштириб, сени ёстиқдек семиртирсам, соғлиқ эмас касаллик манбаи бўлиб қолардинг. Умрингни узоқ қилаётганим учун шукр қилсангчи!

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 15 июндаги 10-1520/7638-сонли ижро варақасига асосан, "Оникс" АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй манзилида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Умумий майдони 7327 кв.м бўлган, 2 қаватли ер тўладан иборат цех биноси, 28-блок. **Бошланғич баҳоси – 625 000 000 сўм.**

**2.** Умумий майдони 3458 кв.м бўлган, 1 ва 2 қаватдан иборат цех биноси, 59-блок. **Бошланғич баҳоси – 625 000 000 сўм.**

**3.** 41-блокнинг 3477 кв.мдан иборат қисми. **Бошланғич баҳоси – 625 000 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2016 йил 15 февраль куни соат 12:00 да бўлиб ўтади**. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 12 февраль куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

_Тошкент шаҳрида **12 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ёмғир ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади._

_Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **12 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади._

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12259 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5